

16 ЁШГА ТЎЛМАГАН ШАХС БИЛАН ЖИНСИЙ АЛОҚАДА БЎЛИШ ЖИНОЯТИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8358361>

Н.Ф.Жуманиёзов

Аннотация

Ушбу мақолада, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш жиноятига қарши курашнинг миллий ва хорижий тажрибалар тахлили ҳамда ушбу жиноят учун жавобгарлик масалари ёритилган.

Калит сўзлар

16 ёшга тўлмаган шахс, жинсий алоқада бўлиш, педофилия, жинсий эркинлик.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ БОРЬБЫ С ПРЕСТУПЛЕНИЕМ СЕКСУАЛЬНОГО ХАРАКТЕРА С ЛИЦОМ МОЛОЖЕ 16 ЛЕТ

Аннотация

В этой статье рассматривается анализ национального и зарубежного опыта борьбы с преступлением сексуального характера с лицом моложе 16 лет, а также вопросы ответственности за это преступление.

Ключевые слова

лицо моложе 16 лет, сексуальное влечение, педофилия, сексуальная свобода.

FOREIGN EXPERIENCE OF THE FIGHT AGAINST THE CRIME OF HAVING SEX WITH A PERSON UNDER THE AGE OF 16

Annotasiya

This article covers the parable of national and foreign experiences of the fight against the crime of sexual intercourse with a person under the age of 16 and the parable of responsibility for this crime.

Keywords

a person under 16 years old, sexual intercourse, pedophilia, sexual freedom.

Педофилия билан боғлиқ жиноятлар тўхтагани йўқ: 2023 йил 6 ойида 16 ёшга тўлмаганларга нисбатан жинсий тажовуз билан боғлиқ ишлар учун 257 нафар шахсларга суд ҳукмлари ўқилган. Бу ҳозирча ҳуқуқ тартибот

органларига маълум бўлгани, қозон ёпиқлигича қолиб кетаётган ҳолатлар қанча?

Яқинда кетма-кетликда рўй берган ҳолатлар: Тошкентда ўн икки ёшли кизнинг фожиали ўлими, Хоразмдаги воқеалар вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик мавзусидаги муҳокамаларнинг салмоқли кўпайишига олиб келди. Оммада талай хато қарашлар, фикрлар кузатилди, иккала ҳолатга ҳам бир нуқтадан қаралди. Жамиятда бу масалада билимнинг етишмаслиги кўринди, натижада муаммо билан курашишда тўсиқлар вужудга келиши мумкин. Ойина.уз колумнисти ушбу мавзунинг кўпчиликлари ноаниқ, хато тушуниладиган ва эътибордан четда қоладиган томонлари ҳақида бош қотирди.

Тарихда педофилия деярли доим мавжуд бўлган эсада, унга жиддий эътибор ва тадқиқотлар 1980 йиллардан бошланди ва асосий изланишлар АҚШда амалга оширилмоқда. Шунинг учун матнда фойдаланилган маълумотлар ҳам асосан ушбу давлатда ўтказилган тадқиқотлар ва ҳисоботларга доир. Педофилларнинг умумий тарқалиши номаълум, бироқ тахминларга кўра ушбу кўрсаткич умумий аҳоли сонинг 5 фоизини ташкил этиши мумкин. Албатта, бу ўз номи билан тахмин, асл миқдор бундан кўпроқ бўлиши мумкин. Бир ҳисоботда маълум қилинишича педофиллар содир этган жиноятларнинг атиги 29 фоизи қўлга олинган. Бунга бир неча сабаб бўлиши мумкин: атрофдагилар муносабатидан хавфсираш, қаттиқ кўрқув ёки жиноятчининг яширинишга муваффақ бўлиши.

Педофил деганда хаёлимизга бизда кўпчилик танийдиган Чикатило каби маньяклар келади. Бироқ педофиллар фақатгина боланинг мактабдан чиқишини пойлаб ўтирадиган турки совуқ чол ёки жиннихонадан қочган жинсий зўравон эмас. Педофил қариндошингиз, дўстингиз, ҳамкасбингиз, мактаб ёки боғча боғбони, обрўли мансабдор, ишбилармон тадбиркор ва шу каби бошқа оддий, гумондан ташқари тоифа инсон бўлиши ҳам мумкин. Қариндошлар ва таниш кимсалар томонидан болаларга нисбатан жинсий зўравонлик алоҳида ўрганиш ва таҳлилларни талаб қилади. АҚШда эълон қилинган бир ҳисоботга кўра, 5 ёшгача бўлган болаларга нисбатан жинсий зўравонликларнинг 48,6 фоизини қариндошлар содир этади. Бундай зўравонликнинг 6-11 ёш оралиғидаги болаларга нисбатан содир этилган миқдорида 42,4 фоизи, 12-17 ёш оралиқдагиларга нисбатан эса 24,3 фоизи қариндошлар томонидан амалга оширилади. Оиланинг ёки боланинг танишлари томонидан содир этилган жинсий зўравонликнинг ёш

тоифаларига кўра тақсимооти эса бундай, 5 ёшгача 48,3 фоиз, 6-11 ёшда 52,9 фоиз, 12-17 ёшлиларда эса 66 фоиз³⁶.

Халқаро жиноий амалиётда жинсий алоқага розилик ёши (розилик ёши) тушунчаси мавжуд – бунда шахс бошқа шахс билан жинсий алоқага киришиш учун ихтиёрий равишда хабардор бўлиб розилик бериши мумкин. Агар 18 ёшга тўлган шахс никоҳ ёшига етмаган шахс билан жинсий алоқада бўлса, биринчи навбатда жиноий жавобгарликка тортилади.

Розилик ёшини никоҳ ёши (қонун билан никоҳга рухсат берилган) ва вояга етганлик (фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисмини ёки барчасини ўзлаштирган шахс) билан аралаштириб юбормаслик керак.

Турли мамлакатларда жинсий розилик ёши (розилик ёши йўқ бўлиши ҳам мумкин) 14 ёшдан 16 ёшгача ўзгариб туради, баъзан 20 ёшгача ҳам бўлиши мумкин.

□ 14 ёш – Германия, Венгрия, Италия, Хитой;

□ 15 ёш – Франция, Дания, Швеция, Чехия;

□ 16 ёш – Ўзбекистон, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Канада, Буюк Британия, Ҳиндистон, Норвегия, Швейцария, Исроил, Сингапур ва бошқа давлатлар

□ 16-18 ёш – АҚШ (штатга қараб): 29 штат ва Колумбия округи 16 ёшдан бошлаб;

□ Ёш кўрсатилмаган – Қатар, Саудия Арабистони ва Шимолий Корея каби давлатларда фақат никоҳдан кейин жинсий алоқада бўлиш қонидаси мавжуд³⁷.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун президент Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланди, деб ёзади “Uznews” нашри.

Қонунга кўра, 16 ёшгача бўлган вояга етмаганлар билан моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкий манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда ва мазкур соҳадаги жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилмоқда.

³⁶ Жавоҳир ЭРГАШЕВ, Педофилларга хос айрим хусусиятлар, жарроҳлик ва кимёвий кастрация... – болаларга нисбатан жинсий зўравонлик билан курашишнинг хориж тажрибаси. Илмий мақола. Ойна.уз. Кириш йўли: <https://oyina.uz/kiril/article/1615>

³⁷ Хонимпошо Рашидова. 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш. Илмий мақола. Кириш йўли: <https://nemolchi.uz/uz/16-joshga-t-lmagan-shahs-bilan-zhinsij-alo-ada-b-lish/>

Жиноят кодексининг 128-моддасида (ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш) озодликдан маҳрум қилиш жазосининг максимал муддати 5 йилдан 7 йилгача оширилмоқда.

Жиноят кодексининг 129-моддаси 1-қисмида (ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш) озодликдан маҳрум қилиш жазоси 1 йилдан 2 йилгача кўпайтирилмоқда.

Европа Кенгашининг 2007 йил 1 июлдаги «Болаларни жинсий эксплуатация ва жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги конвенцияси (Лансароте конвенцияси) болаларнинг жинсий эксплуатациясини жиноят деб ҳисоблайдиган халқаро шартномадир. У Европа Кенгаши томонидан таклиф қилинган, аммо ҳар қандай давлат томонидан имзоланиши мумкин. Конвенцияни қабул қилган давлатлар контекстдан қатъий назар, жинсий розилик ёшига етмаган болалар билан қилинган жинсий алоқани жиноий жавобгарликка тортишга рози бўладилар. Ушбу Конвенцияга ҳозиргача 47 давлат, Озарбайжон, Грузия, Украина, Россия Федерацияси каби давлатлар қўшилган. Ўзбекистон ушбу Конвенцияни имзоламаган.

Хорижий давлатлар қонунчилиги

Россия Федерацияси

Россия Федерацияси никоҳ ёши 16 ёшдан бошланадиган давлатлардан биридир. РФ Жиноят кодексининг 134-моддасига кўра “Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа ва бошқа жинсий ҳаракатларни амалга ошириш” каби жиноятлар учун 18 ёшга тўлган шахслар жиноий жавобгарликка тортилади. Ушбу модда вояга етмаган шахс ўз ихтиёри билан жинсий алоқага киришган ва содир бўлаётган воқеанинг моҳияти ва аҳамиятини тушунган, жиноятчи жабрланувчининг ёшидан хабардор бўлган тақдирда қўлланилади. Жиноятнинг тугаш вақти – жинсий алоқанинг бошланиши ҳисобланади. Ишнинг ҳолатига қараб, жазо 480 соатгача бўлган мажбурий меҳнатга жалб қилишдан тортиб, умрбод камок жазосигача бўлган жазони ўз ичига олади.

РФ қонунчилиги терминологияси:

• Номусга тегиш – жабрланувчига ёки бошқа шахсларга нисбатан зўравонлик қўллаш ёки уни қўллаш таҳдиди билан ёхуд жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланган ҳолда, эркак ва аёл ўртасидаги табиий шаклдаги жинсий алоқа;

• Жинсий характердаги зўравонлик ҳаракатлари – тарафлардан бирининг розилигисиз содир этилган барча турдаги жинсий алоқалар.

Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 04.12.2014 йилдаги 16-сонли қарорига мувофиқ, **жинсий характердаги зўравонлик ҳаракатлари** – жинсий дахлсизликни бузадиган ҳаракатлар бўлиб, шунингдек, жабрланувчи ожиз ҳолатда бўлган ҳолларда уларда жисмоний ёки рухий зўравонлик қўлланилади ёки таҳдид қилинади. Жинсий характердаги ҳаракатлар деганда: бесоқолбозлик, лесбиянизм, жинсий характердаги бошқа ҳар қандай ҳаракатлар (анал ва орал орқали жинсий алоқа, жинсий алоқага тақлид қилиш, жабрланувчи эркак киши бўлса эркак ва аёл ўртасидаги табиий жинсий алоқа) тушунилади³⁸.

• 16 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан уятсиз-бузуқ хатти-ҳаракатларни содир этиш – ўн икки ёшга тўлган, лекин ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан содир этилган жинсий алоқа, бесоқолбозлик ва лезбиянликдан ташқари, жинсий алоқани қондиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар жиноятчининг хоҳиш-истаклари ёки жабрланувчида жинсий қўзғалиш ёки унинг жинсий алоқага бўлган қизиқишини уйғотиш. Бундай ҳаракатлар жабрланувчининг танаси билан бевосита жисмоний алоқада бўлмаган, шу жумладан интернет, бошқа ахборот ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса ҳам уятсиз-бузуқ ҳаракатлар деб тан олиниши мумкин.

Шундай қилиб, Россия Федерацияси қонунчилигига кўра, номусга тегиш фақат эркак киши томонидан амалга оширилиши ва бундан фақат аёл киши азият чекиши мумкин. Аммо шахвоний характердаги зўравонлик ҳаракатлари ҳар қандай жинсдаги шахс томонидан содир этилиши мумкин, шунингдек, улардан ҳар қандай шахс азият чекиши мумкин.

Жинсий алоқа ёки шахвоний характердаги ҳаракатлар жабрланувчининг иродасига қарши содир этилган бўлса, Россия Федерацияси кодексининг 131 (Номусга тегиш, 3 йилдан 20 йилгача бўлган озодликдан маҳрум қилиш), 132 (Зўравонлик ҳаракатлари, 3 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш), 134 (Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ва бошқа жинсий ҳаракатларни амалга ошириш, жиноят турига кўра, 4 йилгача ёки 15-20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш) моддалари қўлланилади.

Агар жараёнда жабрланувчининг моддий ёки бошқа турдаги мулкани йўқ қилиш ёки мулкка бошқа таъсир кўрсатиш таҳдиди қўлланилган бўлса, бундай ҳаракатлар Жиноят кодексининг 133-моддаси (Жинсий алоқа қилишга мажбурлаш) ва РФ Жиноят кодексининг 134-моддаси (Ўн олти ёшга

³⁸ Хонимпошо Рашидова. 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш. Илмий мақола. Кириш йўли: <https://nemolchi.uz/uz/16-joshga-t-lmagan-shahs-bilan-zhinsij-alo-ada-b-lish/>

тўлмаган шахс билан жинсий алоқа ва жинсий характердаги бошқа ҳаракатлар, жиноят турига кўра жавобгарлик) бўйича кўриб чиқилади

Туркия Республикаси

Туркия Жиноят кодекси мисолида шундай хулоса қилиш мумкинки, ушбу давлат қонунчилигида жинсий характердаги ҳаракатлар етарли даражада батафсил баён этилган. Жинсий характердаги ҳаракатларни жинсий жавобгарликка тортувчи моддаларнинг қуйидаги турлари мавжуд: 102 модда – Жинсий зўравонлик ниятида тажовуз қилиш (2 йил – умрбод), 103 модда – Болаларга нисбатан жинсий зўравонлик (3 йил – умрбод), 104 модда – Вояга етмаганлар (2-5 ёш) билан жинсий алоқа қилиш, 105 модда – Жинсий зўравонлик (баъзи ҳолларда 3 ой – 2 йил/ жарима/ баъзи ҳолларда жазо икки баробарга кучайтирилади) – вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик қилиш масаласи ҳам барча ҳолларда кўриб чиқилади (васийлик, қариндошлик, оиладаги зўравонлик, қуролдан тортиб электрон алоқа воситаларига бўлган турли таъсир воситаларидан фойдаланган ҳолда жинсий алоқа қилиш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда).

Бундан ташқари, жинсий ҳаракатларни содир этиш жинсга қараб ажратилмайди, масалан, Туркия Жиноят кодексининг 102-моддаси 1-бандига кўра, **“Жинсий характердаги хатти-ҳаракатларни содир этиб, бошқа шахснинг жисмоний дахлсизлигини бузган шахс** жабрланувчининг шикояти асосида 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар жинсий характердаги хатти-ҳаракатлар тегажоклик билан чегараланган бўлса, айбдор 2 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Германия

176-моддага кўра **“Болаларга нисбатан жиддий жинсий зўравонлик” – ўн саккиз ёшга тўлган шахснинг жинсий алоқа ёки жинсий характердаги шунга ўхшаш хатти-ҳаракатни, унинг танасига киришни назарда тутган ҳолда содир этиши ёхуд бола ўзига нисбатан жиноят содир этишига йўл қўйиши;**

Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс (бола)га нисбатан жинсий характердаги хатти-ҳаракатлар содир этиш ёки боланинг ўзига қарши шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўйган шахс 6 ойдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, жиддий бўлмаган ҳолатларда – 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинади ёки жаримага тортилади.

Германия мисолида жинсий ҳаракатлар жинсга қараб фарқланмаслигининг гувоҳи бўламиз.

Германия Жиноят кодексига вояга етмаганларга нисбатан жинсий ҳаракатларни амалга ошириш ҳолатлари ҳам батафсил баён этилган: 174-модда – Васийларга нисбатан жинсий зўравонлик (3-5 йил/жарима), 176-модда – Болаларга нисбатан жинсий зўравонлик (5 йил/жарима), 176 модда – Болаларга нисбатан жиддий жинсий зўравонлик (3 ойдан 10 йилгача), 176 модда – Болаларнинг ўлимига сабаб бўладиган жинсий зўравонлик (10 йил – умрбод), 180 модда – Вояга етмаганлар ўртасида жинсий ҳаракатларни тарғиб қилиш (3-5 ёш/жарима), 182 модда – Ёшларга нисбатан жинсий зўравонлик (3-5 йил/жарима), 184 модда – Порнографик маҳсулотларни тарқатиш (1 йил/жарима).

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистонда никоҳ ёши 16 ёшдан бошланади. Ушбу ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 128-моддаси “Шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш” билан тартибга солинади. (Агар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ушбу жиноятни такроран содир этса 1 йилдан 3 йилгача, хавфли рецидивист томонидан содир этилган тақдирда 5 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади).

• Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига асосан, ушбу модда фақат қуйидаги ҳолларда қўлланилади: ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш зўрлик ёки таҳдид қўлламаган ҳолда амалга ошириладиган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини англаган жабрланувчининг розилиги билан содир этилган ҳолдагина, яъни **ихтиёрий асосда**.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 118-моддаси “Номусга тегиш” бўлиб, “а” банди иккинчи қисмига кўра, номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш – шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда амалга оширилса, 3 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

• Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010-йил 29-октябрдаги 13-сонли “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига

асосан, номусга тегиш жинояти жиноятчи жабрланувчининг **розилигисиз**, лекин **табиий шаклда** фақат **аёлларга нисбатан** содир этган қилмиши кўриб чиқилади³⁹.

119-модда. Зўрлик ишлатиб, кўркитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш – яъни юқоридаги моддани бутунлай такрорлаши, ушбу модда мавжудлигининг мақсадга мувофиқлигига шубҳа туғдиради (3 йилдан 15 йилгача қамоқ жазоси).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010-йил 29-октябрдаги 13-сонли “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги қарорига асосан, агар ўша ҳолатларда айбдорнинг ҳаракатлари жинсий эҳтиёжни **ғайритабиий усулда** қондиришга қаратилган бўлса, қилмиш **ЖК 119-моддаси** билан квалификация қилинади. Шу билан бирга, қонуннинг ушбу моддаси бўйича ушбу ҳаракатларни **аёл ва эркак жинсига нисбатан** содир этганлик учун жиноий жавобгарлик юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **129-моддаси “Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш”** шахсининг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда, унга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузук ҳаракатлар содир этиш – 1 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Доктрина таҳлиliga кўра, уятсиз-бузук ҳаракатлар жисмоний ва интеллектуал турларга ажратилади, деган хулосага келиш мумкин (М.Х.Рустамбаев “Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси”).

- Жисмоний – жиноятчининг жинсий аъзоларини очиши, одобсиз ҳаракатлар қилиш, мастурбация, жинсий ҳаракатларни ўргатиш, жабрланувчининг жинсий аъзоларини мастурбация қилиш, силаш ва жинсий алоқага мойиллик билдириш.

- Интеллектуал – порнографик фильмлар, тасвирлар кўрсатиш, шундай мазмундаги адабиётларни ўқиш, суҳбатлар ўтказиш ва ҳ.к.

- **Жабрланувчининг ўз ёшига нисбатан каттароқ кўриниши виждонан нотўғри тушунча бўлиб, айбдор шахсга ушбу сифат белгиларини беришни истисно қилади.**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги бўшлиқлар

³⁹ Хонимпошо Рашидова. 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш. Илмий мақола. Кириш йўли: <https://nemolchi.uz/uz/16-joshga-t-lmagan-shahs-bilan-zhinsij-alo-ada-b-lish/>

1. Қонун чиқарувчи V боб “Жинсий эркинликка қарши жиноятлар”, шунингдек, V бобдаги “Оила, ёшлар ва маънавиятга қарши жиноятлар” моддаларни шакллантиришда жинсий эҳтиёжларни табиий ва ғайритабиий шаклда қондиришга таъриф бермаган. Жинсий характердаги ҳаракатларни камраб олувчи атамани англатувчи ушбу иборани олиб ташлаш таклиф қилинади. 21 аср воқелигида бу тушунчани алоҳида моддаларда кўрсатиш шарт эмас. Жинсий хатти-ҳаракатларнинг шакли ҳам муҳим эмас, чунки аёл ёки эркакнинг розилигисиз амалга оширилган зўравонлик – бирдек номусга тегиш ҳисобланаверади. (Германия қонунчилигини ўрганган ҳолда). Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118 ва 119-моддаларини бирлаштириш мақсадга мувофиқдир, чунки биринчи ва иккинчи моддаларда фақат жинсий алоқа шаклидагина фарқ қилувчи номусга тегиш ҳаракатлари мавжуд бўлиб, уларни қисмларга ажратган ҳолда битта моддага айлантириш мумкин⁴⁰.

2. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг моддалари таҳлиliga кўра, уятсиз-бузук ҳаракатларга таъриф берилмаганлиги, шунинг учун ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва таълимотини топиш зарурлиги аниқланган.

3. Қариндошлик чегарасини кўрсатмасдан, вояга етмаганлар билан инцест муносабатлари учун оиладаги зўравонлик (жинсий)ни чекловчи чоратадбирларни кучайтирувчи банд қўшилсин, чунки зўравонлик қариндошликнинг узоқ ва яқинлиги бўйича ҳам содир этилиши мумкин. Бошқа ҳолатлар қаторида, ушбу нормалар квалификация белгисини – вояга етмаган шахс қарамоғида бўлган қариндоши, қонуний вакили ёки бошқа шахс томонидан вояга етмаганларга нисбатан жинсий йўналишдаги ҳаракатни содир этиш, шунингдек вояга етмаганлар иштирокидаги инцест учун жавобгарликни кучайтириш зарур. (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига фақат яқин қариндошга нисбатан жинсий алоқада бўлиш назарда тутилган)

4. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида 16 ёшга тўлмаган шахслар ўртасидаги жинсий алоқа ҳолатлари акс этмаган, бундай моддалар киритиладими?

Таклифлар

Шошилинич тарзда, мактабларда жинсий тарбия дарсларини, яъни болаларга уларнинг жинсий аъзоларига умуман танларига тегишига ҳеч

⁴⁰ Хонимпошо Рашидова. 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш. Илмий мақола. Кириш йўли: <https://nemolchi.uz/uz/16-joshga-t-lmagan-shahs-bilan-zhinsij-alo-ada-b-lish>

кимнинг тегинишга ҳаққи йўқлигини уқтирувчи дарсларни жорий этиш зарур. Шунингдек, бу дарсларда, болаларга порнография зарарлари ва уларни томоша қилишга йўл қўйилмаслиги тушунтирилиши ҳамда болалар ва ота-оналарга бешта муҳим қондани тушунтириш зарур:

- Кўчада бегоналар билан мулоқотга киришмаслик ва уларни уйга киритиб бўлмаслиги.

- Нотанишлар билан лифтга кирмаслик.

- Нотанишлар машинасига ўтирмаслик.

- Нотанишлардан совғаларни қабул қилмаслик ва уларнинг уйига ёки бошқа жойга бориш таклифига рози бўлмаслик.

- Имкон борича, кўчада ёлғиз қолмаслик, айниқса қоронғи тушгандан кейин.

Жинсий жиноятлар содир этишга мойил бўлган ва жабрланганларга психологик ёрдам кўрсатиш марказларини ташкил этиш.

Тергов ва суд амалиётида қийинчиликлардан қочиш имконини берувчи жиноят қонунчилигидаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш (Германия ва Туркия мисолида).

Бошланғич, ўрта ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурига шахснинг жинсий дахлсизлиги ва жинсий эркинлигига қарши жиноятларнинг олдини олиш бўйича машғулотларни киритиш.

Таълим гуруҳларида ноқонуний хатти-харакатлар фактлари ва ҳолатларини яширганликлари ва бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўз вақтида хабар бермаганликлари учун шахсларнинг интизомий жавобгарлигини жорий этиш.

Жинсий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораси сифатида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари – жиноят такрорланган тақдирда педофилларга қондаги эркак жинсий гормонлар даражасини назорат қилувчи антиадрогеник (кимёвий кастрация) препаратларни узок муддат бериб боришни жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.Х. Рустамбаев “Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси”. Тошкент 2019

2. Хонимпошо Рашидова. 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш. Илмий мақола. Кириш йўли: <https://nemolchi.uz/uz/16-joshga-t-lmagan-shahs-bilan-zhinsij-alo-ada-b-lish/>.

3. Жавоҳир ЭРГАШЕВ, Педофилларга хос айрим хусусиятлар, жарроҳлик ва кимёвий кастрация... – болаларга нисбатан жинсий зўравонлик билан курашишнинг хориж тажрибаси. Илмий мақола. Ойна.уз. Кириш йўли: <https://oyina.uz/kiril/article/1615>

4. <https://kun.uz/uz/news/2023/07/25/pedofiliya-kamayayotgani-yoq-bunga-sabab-nima>